
ДАНҒАРА ТУМАН ҲОКИМИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ А.АБДУЛАЕВНИНГ САЙЁР ҚАБУЛИ ЎТКАЗИЛДИ.

Туман тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва мавжуд бюрократик, шу жумладан, ер участкалари, бинолар ва кредитлар ажратиш, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш масалаларидаги тўсиқларни бартараф этилишини таъминлаш мақсадида Данғара туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Абдулаев ҳамда туманидаги Бош вазир қабулхонаси мудирини М.Холмирзаев билан ҳамкорликда Қияли маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган Олти ўртоқ ҳамда Қақир қишлоғида сайёр қабул ўтказилди.

Қабулда 15 нафардан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ҳамда тадбиркор бўлиш истагидаги фуқаролар қатнашди. Қабул давомида кўтарилган масалаларнинг 10 дан ортиғи жойида ҳал этилди, қолган мурожаатлар муддат талаб қилганлиги боис ваколатли органлар томонидан ўрганиб чиқишлик учун назоратга олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-02-04 17:35:49